



20-йиллардаги миллий-озодлик ҳаракатига доир ҳужжатларни ўрганаётганда, уларнинг баъзиларига танкидий ёндашсак, тарихий ҳақиқатларни тиклашда бир ёкламаликдан холи бўлишимиз мумкин. Бу ўринда 1922 йил 6 мартдаги 2-Туркистон ҳарбий кўмондонлигининг ўкчи дивизияси ва Мадаминбек кўмондонлигидаги ислом кўшини ўртасидаги битим матнини назарда тутаётирман. Ўша протоколга асосланиб, «Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма» («Шарк юлдузи», 1991 й. 3-сон) давра суҳбати иштирокчиларидан К. Махмудов Мадаминбек «Русиядан келган 150 минг кишилик кўшин билан курашиш кийинлигини инобатга олиб, музокара олиб боришга мажбур бўлган ва музокара давомида сиёсатда тажрибасизлик қилган», дейди. Бу фикрга кўшилиш шунинг учун кийинки, Мадаминбек кўрканидан эмас, балки реал сиёсатчи эканидан Туркистон мустақиллигига йўл очиши мумкин бўлган ва ўша давр вазиятида бирдан-бир ақлга мувофиқ келадиган талабларни кўяди. Агар у талаблар ҳукумат билан тузиладиган битимда ўз ифодасини топса, Туркистон мухторият мақоми орқали мустақил ривожланиш йўлига кириб олиши мумкин эди. Лоақал Туркистон парчаланиб кетмас, унинг миллий анъаналари ва турмуш тарзи оёқости қилинмасди.

Мадаминбек ва унинг йигитларини бутун водийда ҳурмат қилишар, чунки улар бошчилигида Қизил армия ҳамда арман Дашноқларининг хунрезликларини чеклаш имконияти вужудга келган эди. Мадаминбек Шўро ҳукуматига эмас, балки бу ҳукуматга жойлашиб олган мансабпараст, шахсиятлараст галамисларга қарши курашни ўз олдида мақсад қилиб олган эди. Аммо Шўро ҳукумати маҳкамаларида ўтириб олган ва тор шахсий манфаати йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган, имон-эътиқодининг тайини йўқ одамлардан қутилиш учун қуролланган кишилар, албатта, бўлиши кераклигини билар, шунинг учун ўз отрядини янги ҳокимиятда адолат тикланиши учун қафолат воситаси деб ҳисобларди. «Агар одамлар менга қарши чиқса, дарров Шўро ҳукуматига бўйин эгаман», дейди у. Бу билан Шўро ҳукумати номидан келган саккиз вакил ичида битта ўзбек — вилоят инқилобий кўмитасининг раиси Хўжаевга қиноя қилиб, сенлар халқ номидан гапиришга ҳақинг йўқ, сенга ўхшаган ландовурлар туфайли Туркистон халқлари ўз буюклиги, миллий мустақиллиги ва гуруридан маҳрум бўлиб борапти, демокчи бўлади. Демак, Мадаминбек тушунчасида халқ оммаси қўллаб-қувватламайдиган хоки-мият вакилининг давлат ишларида иштирок этиши, маънавий-ахлоқий нопоклик алома-тидир. Унинг наздида, миллатга зулм ўтказиш, бир миллатнинг иккинчи миллат устидан зўравонлик ўрнатиши адолатсизликдир.

Мадаминбекнинг ўша протоколда ифодаланган куйидаги сўзларига эътибор беринг: «Мен Маргилондан чикканимда, талон-торож билан шугулланиш ва кўмондон бўлишни мақсад қилган эмасман. Чикишимга сабаб — Шўро ҳукумати вакилларининг ахли исломга ўтказган муносабатларидаги адолатсизликларидан анчайин хўрланишим бўлди». Демак, Мадаминбекнинг энг биринчи талаби Шўро ҳукумати одамларини адолатли бўлишга ундаш, зўравонликка барҳам бериш, амалда халқ ҳокимиятини барпо этиш эди. «Шўро ҳукумати» тушунчаси Мадаминбек талкинида адолатни қарор топтириш воситаси, Кизил Армия кўмондони вакили Веревкин-Рахальский тушунчаси бўйича янги, янада макрлирок рус империясини қарор топтириш воситаси эканини музокаралар мазмунидан сезиш қийин эмас.

Мадаминбекнинг сулҳга келишини кўрқоклик аломати сифатида талкин этиш ўринсизлигининг яна бир жиҳати бор. Ўша давр хужжатларига асослансак, Мадаминбек ўша давр ижтимоий-сиёсий вазиятидан келиб чиқиб сулҳ тузишни мустақилликни сақлаб қолишининг бирдан-бир тўғри йўли деб билади. Шўро раҳбарларининг иккиюзламачилик сиёсатига миллий кўшин ёрдамида аста-секин барҳам берилишига умид боғлайди. Мадаминбек ўзбек халқининг энг яхши анъаналарини музокаралар давомида ҳам намоён этди. «Биз,— дейди у,— талон-торож билан шугулланмаганмиз, шу тўғри тавба қилишимизга ҳожат йўқ». Мадаминбек қўйган талаблар миллий-демократик (социалистик эмас) характерга эга. Агар совет ҳокимиятининг миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисидаги Декларацияси иккиюзламачиликка асосланмаганда, «босмачилик» ҳаракати 20-йиллар бошидаёқ барҳам топар, Туркистон халқлари тинч меҳнатга ўтиб, бошқа халқлар билан дўстона ҳаёт кечиришга азми қарор қилган бўлур эдилар.

Давра суҳбатида «Яраш битими ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаганлиги учун бошқа беклар Мадаминбекни хоинликда қоралашди. Холхўжа кўрбоши Учқўргон теғрасида Мадаминбек билан жангга киришиб, уни қатл этди, дейилади. Бу фикрлар тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки Холхўжа отряди 50—60 кишидан иборат бўлиб, Мадаминбек кўшинларига бардош бера олмас эди. Сўнгра, у Шермухаммадбек (Кўршермат) кўшинига бевосита бўйинсунар, унинг ижозатисиз бу хунрезликка қўл ура олмас эди. Шуни эътиборга олиш керакки, 1920 йил 6 март битими лойиҳа бўлиб, у келаси музокаралар учун негиз бўлиб қолиши керак эди. Чунки Мадаминбек, Веревкин-Рахальский ҳукумат бошлиғи эмаслигини, бундай битимни имзолашга ваколати йўқлигини биларди.

Мадаминбекнинг рафикаси Саодатхон ая Абдураззоқованинг айтишича, Мадаминбек «Маргилонга Фрунзе келади, эртага мен у билан учрашаман, деб гап топиб келди. Маргилон томонидан Фрунзе, Тошлоқдан эса Мадаминбек ўз кўшинлари билан келишиб, ҳозирги Тошлоқ ноҳиясидаги пахта тозалаш заводи ёнидаги кенгликда учрашадиган бўлишибди». Саодатхон ая ўзи ҳам бу тантанали учрашув гувоҳи бўлганини айтади: «Икки саркарда кучоқлашиб кўришишди. Суратга тушишди (ўша дақиқалар акс эттирилган суратлардан бири Шохимардонда, яна бири эса Андижондаги музейда сақланаётир). Бу чинакам тарихий воқеа эди».

...1964 йили Ўзбекистон ССРнинг 40 йиллигини нишонлаш учун ўлкамизда Совет ҳокимиятини ўрнатишда жонбозлик кўрсатганларни излаб топиш, уларнинг хизматларини муносиб ёритиш журналистлар олдига вазифа қилиб қўйилган эди. Шу аснода кўп одамлар билан гаплашиш, тарихий хужжатлар билан танишиш имконига эга

бўлган эдим. Мадаминбек ва Кўршермат тўгрисида ҳам маълумотлар тўпланди. Давр талабига мувофик, Мадаминбекни конхўр, боскинчи, каллакесар, ўзбек халкига кўп озор берган шахс сифатида ёритишим керак эди. Фукарлар уруши иштирокчилари билан кечган сухбатларда Мадаминбек шундай разил одам бўлмаганлигига ишонч хосил килдим. Бирок, тарихий хакикат кандай бўлса, ўшандек ёзиш у пайтларда мумкин эмас эди. Шунинг учун Мадаминбек хакидаги маълумотлар эътиборсиз колди. Аммо қачонлардир керак бўлиб колар, деган ниятда Ахрорхўжа Максудхўжаев (машхур санъаткор Нурхоннинг поччаси, яъни аммасининг эри) билан килган сухбатимни саклаб кўйган эдим.

Ахрорхўжа эшон 1887 йили Маргилонда тугилган, 11 ёшида онаси, 25 ёшида отасидан жудо бўлган. Отаси ва саккиз амакиси милтиксоз бўлиб, улар Худоёрхон кўшинларига айри (пилта) милтик ва килич ясаб беришар экан. Бир урушдаги галабадан сўнг, Худоёрхон унинг милтиксоз бобосига Маргилондан ер инъом этган. Улар ўша яйдоқ ерда дехкончилик, чорвачилик билан шугулланишган. Ана шу жўрлар хозиргача Милтиксоз махалласи деб атаб келинади. Октябрь тўнтаришидан кейин алгов-далгов замонлар бошланиб, милтикка эҳтиёж янада кучайиб кетди. «Босмачилар» уни ўзлари билан олиб юришар, бузилган милтикларини тuzаттиришарди. «У пайтлар жуда мураккаб эди,— деди Ахрорхўжа ака,— ким хокимият тепасига қолишига оми халкнинг акли етмасди, одамлар жон саклаш ниятида гоҳ «тўртинчилар» (советлар тарафдорларини шундай дейишарди) томонига, гоҳ беклар томонига ўтиб турарди».

Мухаммадаминбек Ахмадбеков хакидаги кораламаларим асосан, фукарлар урушининг бошидан-охиригача Мадаминбек ва Кўршермат отрядларида хизматда бўлган Ахрорхўжа Максудхўжаев хотираларига асосланади. Албатта, унда кечмиш воқеаларнинг вақтлари, одамлар ва жойларнинг номларида тарихий хужжатларга тўғри келмайдиган жихатлар ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Лекин бу хотираларни архивлардан топиш амри махолдир. Шу маънода тарихчиларимизнинг олиб борадиган тадқиқотларига аскотиб қолади, деган умиддаман.

Бир мудхиш воқеа туфайли Мадаминбек отасининг хунарига кизикмади. Бакуват, эпчил, иродали йигит бўлганидан у одамларнинг қорига яраб, огирини енгил қилиб, ўз тирикчилигини ўзи ўтказа бошлади. Хар пайшанба ва якшанба кунлари Маргилоннинг Ўрдатагисидан тортиб Гураввалгача чўзилган катта бозорига ишлайман деганга иш топилади. Бозорда нима кўп, гап кўп. Мадаминбек юмушларни бажариш асносида эшитган хар бир гап, янгиликни ўзича мулохаза қилиб борарди.

Мадаминбек бу ерда кўпгина улфатлар орттирди. Улар орасида анчайин шўх, қувнок йигитлар ҳам бор эди. Кунларнинг бирида улфатлари билан Скобелев (Фаргона)га боришганида, у кимор ўйнашди. Бешболалик Отабри гиштчи деган бой бўлиб, унинг мулла Сулаймон деган махрами билан Мадаминбек гап талашиб, жанжаллашиб колди. Бу воқеадан хабар топган Отабой гиштчи «Хап сеними», деб кўйган экан. Шу воқеадан бир хафта ўтгач, Мадаминбеклар хонадонига миршаблар бостириб келиб, тинтув ўтказишди ва ховлида уюб кўйилган маккапоя орасидан бир милтик топишди, Мадаминбекни хибсга олишди. Судда Мадаминбек Умархез деган кишининг бозор растасидаги дўконидан нарсаларини ўғирлаганлиги, қонунсиз милтик саклаганлиги гўё исбот бўлди. Шу туфайли чор суди уни Сибирга сургун қилиш хакида ҳукм чиқарди.

Маълум бўлишича, ўғрилар Отабой гиштчининг одамлари экан. У шахар хокими ва полисмейстрини бу иш Мадаминнинг кўлидан келади деб ишонтирган. Мадаминбек

ховлисидан топилган милтикни тинтув бўлишидан бир кун олдин унинг йигитлари яшириб кўйишган экан.

Сибирда Мадаминбек ит кўрмаган азобларни бошидан кечирди. ёмон нарсанинг яхши томони ҳам бўлар экан. Дунёдаги воқеалар, Россияда юз бераётган тала-тўполонлар, махбусларнинг унга бўлган муносабати Мадаминбекни анча хушёр қилиб қўйди. У рус тилида гапиришни ҳам ўрганиб олди, рус алифбосидаги газетларни таталаб ўқийдиган бўлди. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг берилган умумий авф тўғрисида у она шахри Маргилонга қайтиб келди.

Оёғида Коратегиннинг мукка ковуши, калта пижама, бошида шапка билан Мадаминбек бир турфа холатда тўғри Сапилтўдадаги Йўлбарсхон эшонниқига келди. Илгари бу эшоннинг юмушларини қилиб, анча хожатини чиқарган эди. Эшон Мадаминбек тухматдан кетганини биларди. Шунинг учун уни яхши қарши олди. Бир катор уст-бош қилиб бериб, қўлига яна 25 сўм тутказди ва: «Ўғлим, энди ота-онанг хузурига бор», деб оқ фотиҳа берди.

Мадаминбек Сибирдан бир тўппончани яшириб олиб келган эди. Унинг фикри-зикри Отабой гиштчининг махрами, котил ва ўғри, Мулла Сулаймондан қасос олиш эди. Қунларнинг бирида Қирғули мазори ёнидаги қувур тагида пойлаб ётиб, уни кечаси отиб ташлади ва қуролларини эгаллаб олди.

У пайтлар давлат маҳкамалари жамиятда тартиб-интизомни сақлашда ожизлик қилиб қолганди. Шу тўғрисида ҳар жой-ҳар жойда босқинчи тўдалар пайдо бўлиб, одамларнинг уйига бостириб кириб, мол-мулкни талаб қилишарди. Мадаминбекка ўхшаган кўркмас, эпчил йигитлар бой-бадавлат одамлар учун жуда керак бўлиб қолди. Солиҳ маҳсум деган давлатманд киши Мадаминбек ва унинг шериклари соясида босмачилардан хайикмай, осойишта ҳаёт кечирарди. Яққатут мингбошиси Абдуқодирбой ҳам Мадаминбекка кўп мурувватлар кўрсатди, бунинг эвазига унинг тинчлигини босмачилар бузолмайдиган бўлиб қолди.

Мадаминбек йигитлари 26 нафарга етиб, анчайин обрў-эътибор қозонди. Маргилонда ҳокимлик қилаётган Худойрхоннинг набираси Беғижон хавотирга тушиб, скобелевлик Миродилбойдан мадад сўради ва Мадаминбекни тартибга қайтаришни илтимос этди. Миродилбойнинг йигитлари кўп ва бунинг устига яхши қуролланган эди. Мадаминбек улар билан тўқнашни истамай, Хонобод ва Ҳамрак томонларга кетиб қолди.

У пайтлар шаҳарда ревком деган ташкилот тузилиб, унга Абдураззок зақўнчи бошчилик қиларди. Унинг маргилонлик кўзга кўринган бой Саидахмадхўжа билан оралари бузилиб қолди. Саидахмадхўжа ўз мол-мулки мусодара бўлишини Абдураззок зақўнчидан кўрди ва Миродилбойга ялиниб-ёлвориб уни ўлдириш пайига тушди. Мадазим бошлик бир тўда босқинчилар Маргилоннинг Чорчинор маҳалласидаги (ҳозирги товукбозор ёнидаги) ховлида ревком раиси Абдураззок зақўнчини сўйиб кетишгани ҳақидаги шумҳабар шаҳарга яшин тезлигида тарқалди.

Абдураззок зақўнчининг ваҳшийларча ўлдирилиши бутун шаҳар аҳлини даҳшатга солди. Чунки кўпчилик аҳоли назарида у ҳалол, пок, имонли, камбағалпарвар одам бўлиб, қонуншунослиги тўғрисида ревком раиси этиб сайланган эди. Абдураззок зақўнчининг Саодат исми гўзал кизи бўлиб, ҳали ёш бўлгани учун ва отасининг фожиа халокати тўғрисида ҳеч кимга турмушга чиқишга розилик бермаётган эди. Унга Мадаминбекдан ҳам совчилар келди. (Мадаминбек илгариги хотинидан бола кўрмаганлиги учун ажрашган

эди.) Саодат, Мадаминбекка, агар отамнинг котилини топиб жазоласалар мен розиман, деб шарт кўйибди.

Абдураззок закўнчининг ўлдирилиши, махаллий хокимиятнинг котилларни топиш ва жазолаш учун шошилмаётгани маргилонликлар газабини ошириб юбораётган эди. Шу жихатдан Мадаминбек Саодатнинг шартига рози бўлди. У Мадазимдан шубха килди ва йигитлари билан жамланиши мумкин бўлган жойга тўсатдан хужум килиб, жами йигитни куролсизлантирди. Сўрок-саволда Абдураззок закўнчини Исхок кўйчи бўғизлагани ва Мадазим бу ишга бошчилик килганлиги маълум бўлди. Мадаминбек Ўрдатагига одамларни тўплаб, шариат козиларининг хукмига биноан халойик олдида Исхок кўйчини отиб ташлади.

Кочиб кутулган Мадазим куч тўплаб, Миродилбой ва махаллий хокимият ёрдами билан биргаликда Мадаминбек отрядига хужум килиш мақсадида Тошкентга бориб, курол-ярог топиб келгани, Мадаминбекни кўлга тушириб, ўлдирмокчи экани хакида хабар таркалди. Мадаминбек кундуз куниёк Скобелевга бориб, ўз хужрасида маишат килиб ўтирган Мадазимни кўлга туширди. Мадазим Абдураззок закўнчини ўлдирганига икром бўлди. Бу жинояти учун уни отиб ташлади.

Абдураззок закўнчининг котиллари муносиб жазоланганлиги, бу ишни давлат маҳкамалари эмас, Мадаминбек бошлик фидойи ўзбек йигитлари бажаргани кўпчиликка маъкул тушди. Бу воқеалардан кейин Мадаминбек адолат ва хакикат химоячиси сифатида доврук козонди, одамлар ўз навбатида арз-додлари билан давлат маҳкамаларига эмас, балки Мадаминбек хузурига кела бошладилар. Шу тарика унинг атрофига жасур ва адолатпарвар йигитлар тўплана борди. Саодатхонни эса Мадаминбек тўй килиб, ўз никоҳига олди.

1918 йилдан ахвол тобора ёмонлашиб борди: нарх-наво кун сайин ошарди, ўғрилар, боскинчилар кўпайиб, дехконлар, чорвадорлар, хунармандларга ҳам кун бермас, янги ҳукумат эса тизгинни кўлдан чиқариб юборган избошчига ўхшарди. Хар-хар жойда ўз-ўзини химоя килиш отрядлари тузила бошлади. Унга албатта халол-пок одамлардан ташкари ашаддий ўғрилар, карокчилар, чўнтаккесарлар, киморбозлар ҳам кириб олишарди. Зеро, бу тоифа одамлар нисбатан дадил ва таваккалчи бўлади. Кўкон мухторияти ағдариб ташлангач, арман дашнокларининг таъсири кучайиб кетди, хунрезлик авжига минди. Ўша кезларда мухтор жумҳурият вакили Т. Рискулов Туркистон марказий ижроия комитетининг раиси А. Казаковга бундай деб ёзган эди: «Факатгина уездларда эмас, балки шаҳарларда ҳам хакикий Совет хокимияти мавжуд эмас». Унинг таъкидлашича, икки кизил аскар (рус ва арман) сартларнинг уйига бостириб кириб, ота-оналари кўз олдида кизларнинг номусига тегишган, бироқ кўмондон Плотников уларга нисбатан айтарли чора кўрмаган. «Андижонда, — дейди Рискулов, — арманлар кишлоклардан жуда кўплаб сарт кизларини олиб келиб, уларни ўз хусусий буюмига айлантирганини аникладик. Дашноклар ўқни тежаб қолиш мақсадида гуноҳсиз мусулмонларни аёвсиз чопишган, аёлларнинг номусини топтаб, газаб билан: «Агар Оллох кудратли бўлса, сенга нажот берсин», дейишган. Ана шу хунрезлик кетаётган пайтларда «Скобелевда бутун-бутун ташкилотлар ва ижроия комитетлари ичкиликбозлик билан шугулланишган... Партия ташкилотлари кўплаб зиён келтирадиган турли-туман нолойик унсурлар билан ифлосланган, ичкиликбозлик, порахўрлик оддий холга айланган». Рискулов ўз мактуби охирида бундай дейди: «Совет хокимияти, ўртоқ Казаков, бизга

кимматга тушди. Хаддан ташкари тартибсизликларни кўриб, юрак сикилади ва калбда кучли огрик пайдо бўлади».

Мана шундай ёвузликлар авжига минган пайтда Мадаминбек сингари эл-юрт фарзандлари локайд караб туrolмасди. Аммо 40—50 кишилик бир нави куrolланган бтряд, Кизил армия кўмондонлигидан мадад олиб турган арман дашноқларига дош бера олмас, устига-устак Мадаминбекка карши ички кучлар ҳам кўпайиб бораётган эди. Бирдан-бир чора сифатида Мадаминбек энг кўркмас, ботир ва фидойи йигитларни атрофига йигиб, харбий машқларнинг мунтазам ўтказилишини йўлга кўйди. Бунда совет хокимиятидан норози бўлиб, Россиядан кўчиб келган рус зобитлари кўп ёрдам бердилар. Мадаминбек Маргилон, Наманган, Андижон, Ўш томонларга одам юбориб, умумий душманга карши бирлашиб курашишга, халқнинг осойишта яшаши ва ишлашини таъминлашга даъват этди. Баликчидан Мамажон бойвачча, Икки сув оралигидан Бойтуман хожи, Ўшдан Холхўжа, Булокбошидан Муллажуман, Валикдан Миркарим ўгри, Нурулла махсум, Абдуллажон, Учкўргондан Назариддин мингбоши, дошмонлик Тўхтавой понсод, Кумарикдан Болта кўрбоши, ёзёвонлик Юсуф полвон, Корасоколдан Эргаш, Коратепадан Курбон, Варзакдан Абдуллажон ва бошқалар Мадаминбек атрофига уюшдилар. Улар Мадаминбек мухрига биноан белгиланган худудларда тартиб-интизомни йўлга кўйишни ўз гарданларига олдилар. Рус зобитлари ёрдамида ва афгон мужаххидлари иштирокида уруш харакатларининг замонавий усуллари ҳам ўзлаштириб борилди. Мадаминбек ўз мухофазасига олган жойларда тартиб бузувчилар, боскинчилик, ўгриликлар жазосиз колмас эди. Агар у кароргохи — Гарвадан Маргилонга тушмокчи бўлса, Кизил армия командирларига телефон килар, улар ўз кисмларини гарнизондан чиқармай туришарди. Айтишларича, Мадаминбек мактабларга кириб, болаларни яхши ўқишга даъват этар, сизларга Туркистон катта умид билан караяпти, деган гапларни бот-бот такрорлар экан. Унинг акидасича, агар Шўро идоралари ёмон ниятли, баднафс, имонсиз одамлардан тозаланса, хокимият махаллий халқ кўлига берилса (хокимият руслар кўлида эди) адолат тикланар эди. Давлат муассасалари килиши мумкин бўлган ёвузликларни тийиб туриш учун куrolланган халқ кучи керак, деб хисобларди у.

Мадаминбек отряди Фаргона водийсида харакат килартган озодлик кучлари орасида энг таъсирлиси эди. Аслида 1919—1922 йилларда реал хокимият Мадаминбек кўлига ўтган эди. Ахоли солиқни ҳам, асосан, Мадаминбек тайинлаган кўрбошиларга берар эди. Водийдаги уламолар, шариат пешволари тўпланиб, Мадаминбекни «амир-ал-муслимин», яъни ислом кўшинлари бош кўмондони этиб тасдиқлагани, Кизил армия кўмондонлигининг факат у билан тенглик асосида сулх тузиш тўгрисида музокаралар олиб боришга рози бўлгани ҳам тасодиқий эмас эди.

Биринчи жaxon уруши, Октябрь тўнтаришидан кейин нодон ва иккиюзламачи сиёсатчиларнинг айби билан авжига минган фукаролар уруши халқнинг тинка-мадорини куришиб юборди. Хўжалик издан чиқиб кетди. Очарчилик бошланди. Хунармандчилик, дехкончилик ва чорвадорлик асосий касби бўлган Туркистон ахолисининг тинч ва осойишта меҳнат килишидан бошка орзуси йўк эди. Совет хукумати жойларда йўл кўйилган жиддий хатоларни инобатга олиб, «босмачилик» деб аталган харакатга муносабатни ўзгартира бошлади. Жумладан, Туркистон Фавкулодда Комиссияси фаолиятига салбии бахо берилди. Харбий доираларда эса «босмачилик»ни зўрлик билан эмас, балки, сиёсий ёнберишлар оркали тугатиш мумки», деган фикр тобора мустахамланиб бормокда эди.

...Ўзи халк орасидан чиккан, кўп машаккатларни бошидан кечирган, босик, мулохаза билан фикр юритадиган, бошқаларнинг сўзига обдон кулок солиб, кейин хулоса чиқаришга одатланган, гап орасида «шунаками,, огайни» дея маъноли караб, бошини кимирлатиб турувчи, дангал гапни ёктирувчи, дагар бир одам эди Мадаминбек. Одамлар унга ёлгон хабар беришга ботинолмасди. Совет хукуматининг ваъдалари хам кандайдир умид багишлар, айникса Лениннинг мусулмон халқларига, карата йўллаган мактуби Мадаминбек талабларининг айни ўзидек янграрди. Лекин у бир нарсага тушунмасди: нега бу руслар Ленинни йўлбошчи, дохий деган холда Фаргонада унинг айтганларининг тескарисини килишмоқда. Эхтимол, кандайдир англашмовчилик бўлаётгандир? Ана шу мулохазалар уни сулх хакида музокаралар, бошлашга мажбур этди. Дастлабки музокараларда унинг талаблари хисобга олинган бўлса-да, бироқ уни хукумат тасдиқламади. Шу тарика уруш харакатлари даврм этаверди. Озодлик кўшинлари муайян гарнизонда туришмаган. Уларни асосий кисми курол-аслаҳаларини яшириб, хунармандчилик, дехкончилик, чорвачилик билан шугулланаверишган. Лозим бўлган пайтда улар чакирилганда, зудлик билан белгиланган жойга етиб келган. Улар махаллий шарт-шароитни яхши билишгани ва кизил аскарлар ичида айгокчилари етарли бўлгани, хатто ревкомнинг айрим аъзолари хам пинхона равишда озодлик кучлари томонида тургани туфайли кизил аскарларга жуда каттик ва катта талофатяар етказганлар. Аксин-ча, совет давлати вакиллари улар билан сулх музокаралари олиб бормас эди. Мадаминбекнинг асосий талаблари инобатга олинадиган бўлгач, 1922 йили сулхга имзо чекиш учун Тошкентга келган. Шундан сўнг Мадаминбек ўз кўрбошиларига мактуб йўллаб маслахат килиб олишни таъкидлаган. Йигинга, хатто мархаматлик мужиклар хам ўз вакилларини юборишган. Факат Шермухаммадбек, Холхўжа ва бошка айрим кўрбошилар келмагани Мадаминбекнинг юрагини гаш килди. У йигилганларга карата шундай деди: «Халкка рахмимиз келиши керак, у нихоятда оч-ялангоч холда яшаяпти, одамларни икки томонлама талаш инсофли, имонли одамларга хос иш эмас. Шунинг учун сулхга рози бўлдим. Сулх шартларига биноан, Гарва (Тошлок)га крепост кураимиз. Унга Шермухаммадбекни бошлик этиб тайинлаймиз. Турк дивизияси ташкил этамиз. Кўрбоши ва беклар куролланган холда ўз йигитларига бош бўлиб колаверадилар, улар ўз худудларида тартиб-интизомга жавоб берадилар. Ана шу отрядлардан ташкил топган миллий армия яхши куролланган ва харбий санъатни эгаллаган бўлади. Мен эса хукумат ишларида иштирок этаман. Сулх шартларига кўра бошка кўрбошиларни хам Шўролар билан яраштиришга сўз бердим. Шермухаммадбек ва бошка беклар буни яхши тушунади, деб ишонаман».

4

Туркиялик ватандошимиз Шахобиддин Яссавийнинг «Туркистон аччик хакикатлари» китобида бундай жумлалар бор: «Мухаммадаминбек. Маргилон. Сувчи махалладан. Нихоят сиёсатдон, ботир, тадбирли, кахрамон. Озод Туркистон курувчи, номдор бўлгон бахтсиз, бу буюк, тоймас кўмондонни танимок учун хар канча сўзласак, арзишга эгадир. Хакикатан, дин, ватан ва миллат фидоси бўлди. «Туркистон Туркистон халкининг юртидир. Душманни юртимиздан хайдаймиз!» дерди.

Мазкур китобда яна бундай сатрлар бор: «Холхўжа эшон. Ўш шахридан. Кўнгли кора, кийначи, Шермухаммадбек амрига биноан хамокат (ахмоклик) килди. Ва кийна тугёнидан Мухаммадаминбекни катл килди».

...Бек ва кўрбошиларнинг кўпчилиги сулх заруратини, урушни давом эттириш фойдасиз эканини тушунишди. Аммо улар ичидаги мутаассблар, узокни кўра билмайдиган,

маишатга берилганлари Мадаминбекни хоинликда, исломга хиёнат килишда айблаб чиқишди. Шулардан бири Шермухаммадбек бўлиб, унинг ихтиёрида 2 минг нафар йигит бор эди. Шунинг учун Мадаминбек Шермухаммадбек хузурига бир неча бор одам жўнатиб, шу вазиятда сулх Туркистон озодлигини сақлаб қолишнинг бирдан-бир тўғри йўли эканини тушунтиришга уриниб кўрди. Саодатхон ая бундай-эслайди: «Бек билан ўзим гаплашишим керак», деб Кўршермат хар гал Мадаминбек одамларини кайтариб юборарди. Бир кун Мадаминбек Кўршермат билан учрашиш учун йўлга чикмокчи бўлганида, кўпчилик норозилик билдирди. Бирок бир сўзли Мадаминбек ўз сўзидан кайтмади»

Бу қарорга келишдан олдин Мадаминбекнинг хаёлидан нималар кечмаган, дейсиз. ...Гарвада киморбозлик авжига чиккан пайт. Котмадан келган, бугдойранг, анча жасоратли кўринган бир йигит кимордан ютаверди. Буни кузатиб турган Мадаминбек унга шундай деди: «Ука, кўп мард йигит кўринасиз, халкимиз озодлиги учун менинг йигитларим сафига кўшилмайсизми?». Шермухаммадбек бу таклифга рози бўлди. У милтик отишни яхши билмаганидан, Шахрихон яқинида бўлган жангда милтикнинг лўкидони (затвори) орқага кайтиб, ўнг кўзини каттик шикастлантирди. Мадаминбек уни Гарвага олиб келди. Кейин Баликчига юбориб, докторга даволаттирди. Бирок Шермухаммадбек кўр бўлиб қолди. Бу тажанг, чўрткесар одамни оркаваротдан «Кўршермат» деб атай бошладилар. Мадаминбек унга кўп мурувватлар кўрсатди. Аввал ўнбоши, кейин ўзига ўринбосар этиб тайинлади. Кураш, жанг майдонидаги галаба қувончлари, омадсизлик ўқинчларини бирга татиш уларни мўстахкам дўст қилиб қўйган эди. Уламолар гувоҳлигида Мадаминбек билан Шермухаммадбек «Куръон»ни ўртага қўйиб, бир-бирларига доим содик қолиш, киёматли ака-ука бўлиш учун онт ичишди. Тарихдан маълумки, чин мусулмон одам ўлса ўладика, аммо «Куръон» ўртага қўйиб ичилган онтни асло бузмайди. Мадаминбек эса Кўршерматни чин мусулмон, деб билар эди.

Мадаминбек ўз йигитлари ва рус отряди билан Кизилкияга йўл олди ва Кўршерматни Учкўргонга музокара олиб бориш учун чақирди. «Ўзингиз келинг, бу ер тинчроқ гаплашгани», дейди Кўршермат. Бошка чора қолмагач, Мадаминбек узунховузлик Абдували мингбоши, сўхлик Дехқонбойвачча, шахсий мирзоси, битта кизил аскар — жами саккиз киши бўлиб, Кўршермат хузурига боришди. Кўршермат Дардок деган кўрбошини Майдон деган жойга, Тешавойни Учкўргонга чиқаверишдаги даранинг олдида ўз йигитлари билан қўйган эди. Дардок кўрбоши Мадаминбек хузурига қучоқ очиб, пешвоз чиқди ва қучоқлашиб кўришаётиб, унинг кўлини боғлаб олди. Сулхпарвар делегациянинг хаммасини хибсга олдилар. Мадаминбекни тегирмон устига қурилган болохонага чиқариб, боғлаб қўйишди. Соё пастида турган Ахрорхўжа акани Мадаминбек имо билан чақириб, «Шермухаммадбекка айтинг, мени ўлдирмасин, «Куръон» уриб, ўзи хам, йигитлари хам кирилиб кетмасин», дейди.

Кўршермат ялангликда, қора уйда Холхўжа билан нималарнидир гаплашиб ўтиришар экан.

— Шермухаммад, холис гапим бор, айт десангиз айтаман, бўлмаса йўқ,— дейди Ахрорхўжа ака.

— Хўш, нима гап?— деб қарайди кўзларини чиқариб Кўршермат.

— Мадаминбек қасамни эсга солиб, мени ўлдирмасин, яхши ният билан келганман деяпти. Сиз қрепостга бошлик бўлар экансиз. Давлат Шўроларни тан олган мужохидларни қуролсизлантирмайдиган бўлибди.



Кўршерматнинг лаблари кимирлаб кўкариб кетгандай бўлди. Холхўжа Ахрорхўжа эшонга хўмрайиб каради.

— Эшон ака, бу имонсиз шўроларга ишониб бўлмайдими, бизни тузokka туширмокчи.

Мадаминбек буни тушунмай ўз динини русларга сотди. Ёнган чирокни ўчираман деманг. Арава аллакачон кетиб бўлди,— дейди-да, у ўрнидан шитоб билан туради.

Учкўргон атрофидаги Тўйчи ва Корабой кўрбошилар 200 йигити билан кизил аскарларга кўшилган эди. Кўршермат уларга мактуб йўллаб, унда Мадаминбекни хибсга олгани ва мужохидлар томонига ўтиб, кизиллар билан урушни давом эттиришни сўраган, Тўйчи ва Коравой Кизил армиянинг махсус бўлими вакиллари билан маслахатлашиб, «Мадаминбекнинг калласини юборсангиз, кейин гапингизга ишонамиз», дейишибди.

Кўршермат ўз ихтиёридаги уламолар билан маслахатлашганида улар бу ишни сиз эмас, Холхўжа бажарса, шўнда касамингизни бузмаган бўласиз, деб шариат номидан маслахат беришган.

Бу воқеадан олти ой мукаддам хотин устига хотин олиб (жами 19 хотини бор эди), маишатдан боши чикмай колган Холхўжага Мадаминбек шундай деган эди: «Биз ватанни озод этиб, динимизни саклаб қолиш учун курашяпмизми ё маишатбозлик учунми?». Шунда кайфи бор Холхўжа Мадаминбекни хакорат қилиб: «Менинг шахсий ишимга нега тумшугингни сукаверасан!» деган экан. Мадаминбек уни қуролсизлантириб, йигитларини олиб қолиб, ўзини хайдаб юборганда, Кўршермат ёнидан панох топганди.

Холхўжа Мадаминбекни Сурматошга олиб чиқди ва Соки деган жаллодга уни суйишни буюрди. Кўл-оёғи боғланган Мадаминбекни Соки оёғи остига олиб, «бисмил-лохир раҳмонир раҳим, омин, оллоху акбар» дея, қиблага қараб фотиҳа қилгач, чап кўли билан ўлжасининг бошини қайирди ва бўйнига пичок тортиб юборди. Холхўжа Мадаминбекнинг калласини хуржунга солиб, Назар деган йигитдан Тўйчи ва Коравой кўрбошиларга жўнатиб юборди. Улар Мадаминбек калласини Кизил армиянинг махсус бўлимига олиб боришгач, у жойда буни мамнуният билан қарши олишди.

— Катта бир душмандан қутилдик, хуржунга беш мингта ўк солиб, каллани қайта-риб юборинглар. Биз фурсат билан чиқиб борамиз,— дейишади махсус бўлимдагилар.

Қирғизларнинг Мадаминбекка ихлоси баланд эди. Шунинг учун унинг калласи ва танасини Холхўжадан сотиб олишади-да, каллани танага тикиб, Сурматошдаги Лангар деган жойга, дарёнинг бўйига Дафн этишади.

Холхўжа Хитойга аскар ва қурол-яроғ олиб келаман, деб кетаётганда Эргаштом деган жойда 60 йигити билан тоғдан кўчган қор остида қолиб, халок бўлади. Кўршермат Кизил аскарларга яна бироз қаршилик кўрсатгач, Афғонистонга қочиб кетади. Шўролар қўлга тушган жуда кўп кўрбошиларни йигитлари билан бирга олиб ташлайди, сургун қилади. Қамайди.

Саодат ая айтади: «Мадамикбекнинг содда, бироқ ўткир нигоҳларида қандайдир сирли маъно ҳукмронлик қиларди. У меҳрибон, тўғрисиўз, кўп оғир қунларни бошидан кечирган, оқ подшо турмасида жабр тортган қардаси ва лекин қоят мард инсон эди. Мана шу мардлик хислати Мадаминбекни қобул қилди, десам сира муболага бўлмади-ди. Унинг тегиримон қуриб, қарилик гаштини суриш ҳақидаги орзулари ушалмай қолди».

Мулкни тўласича давлат монополиясига айлантқириш амалда бутун-бутун халқларни кўз илгамас қуллик қишанлари билан занжирбанд этиб ташлади, зўравонлик, ўзбошимчалikka асосланган сиёсий тартибот эса, халқлар бошига бениҳоя қулфатлар қолди.

Мустакилликка тинч шароитларда, ҳукукий асослар билан эришиб бўлмагач, халкнинг мард, фидойи фарзандлари кўлларига қурол олдилар. Мадаминбекдек шункорлар ҳар бир туман, шаҳар ва вилоятларда бор эди. Биз юкорида кўрганимиздек, аслида ички босмачилик, боскинчиликка қарши бошланган стихияли кураш ривожланиб бориб, ташки боскинчилар, ҳақиқий босмачи кучларга қарши урушга айланиб кетди. Бу кучларни бирлаштирадиган сиёсий партия бўлмади, ислом шиорлари эса уларни жипслаштиришга ожизлик қилиб қолди. Совет ҳокимиятининг берган ҳавойи ваъдалари эса одамларни озодлик курашидан қалғитди.

Тумшугидан наридаги нарсани кўррлмайдиган, мансабпараст, қасамхўр, кўрнамак, имонсиз, маишатпараст, гина-қудуратчи, хоин-соткинлар душманлар тегирмонига сув қуйиб, тарихнинг энг қалтис, бурилиш нуқталарида халкнинг чинакам қахрамонига айланган Мадаминбек сингари фидойиларини ўлдирганлар ёки уларни четга суриб қўйиб, ўз ватанларига, халқларига хиёнат қилганлар.

Бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳар бир киши теран англаб етмоғи даркор. Аксинча, мустакилликни қўлга қиритган жумҳуриятимиз йўли яна тўсилиб қолиши мумкин.

Иброҳим ҚАРИМОВ; фалсафа фанлари номзоди, доцент